Milliy tiklanishdan–milliy yuksalish sari!

# BoysuN

2023-yil 14-iyul
№ 13 (6404)

Ijtimoiy - siyosiy gazeta

http://boysungazetasi.uz/

Gazeta 1932-yil 1-maydan chiqa boshlagan

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligining gazetasi


## 2023–YIL — INSONGA E'TIBOR VA SIFATLI TA'LIM YILI

## ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов Комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якуни бўйича дастлабки натижаларни эълон қилди.**

**Унга кўра:**

—ЎзЛиДеПдан номзод Шавкат Мирзиёев — 87,5 фоиз;
—ХДПдан номзод Улуғбек Иноятов — 4,2 фоиз;
—“Адолат” СДПдан номзод Робахон Махмудова — 4,43 фоиз;
—Экологик партиядан номзод Абдишукур Хамзаев — 3,74 фоиз овоз олдилар.

**Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида назарда тутилган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича 10 та муҳим ислоҳотлар**

1.Оғир аҳволдаги оилалар шароити яхшиланади, уларни даволаш, дориларини етказиш, фарзандларини боғча ва мактабга жойлаштириш бўйича ёрдам берилади.

2.Ногиронлиги бўлган шахсларга протез-ортопедия буюмларини сотиб олиш учун 250 миллиард сўм ажратилади.

3.Ногиронлиги бўлган шахслар талаб юқори бўлган касбларга бепул ўқитилади.

4.Оиласидаги ногиронлиги бўлган одамга қаровчи эҳтиёжманд инсонларга иш ҳақи тўланади.

5.Зўравонликка учраган аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича “Call-марказлар” ташкил қилинади.

6.Туғруқ таътилидаги аёллар учун онлайн ишлаш тизими жорий этилади.

7.3 миллиондан ортиқ нуронийлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилади.

8.Уй-жойи йўқлар учун 1 миллион хонадонли уй-жой қурилади.

9.3 миллион ёшларни камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилади.

10.Тадбиркорлар билан камбағалликни қисқартириш учун ҳар йили камида 1 миллиард доллар йўналтирилади.

## АСР БИЛАН БЎЙЛАШГАН САЙЛОВЧИЛАР



***Бўлиб ўтган сайлов ўзининг баъзи бир жиҳатлари билан, айтиш жоиз бўлса ўзига хос баъзи бир рекордлари билан ҳам эсда қоладиган бўлди.***

Унда сайлов куни 18 ёшга тўлган минглаб ёш сайловчилар қаторида юз ёшдан ошган пиру бадавлат отахону онахонлар ҳам мамлакат тақдири, келажаги учун овоз бериб, конституцион бурчларини адо этдилар. Бу каби аср билан юзлашган сайловчилар туманимизда кам қайд этилди. Жумладан, работлик Парда бобо Омонтурдиев 93 ёшда, Оби маҳалласидан Бўри бобо Ибрагимов 97 ёшда Президент сайловида иштирок этиб, овоз бердилар. Бўри бобо Ибрагимов ҳатто ўзлари пою пиёда сайлов участкасига келиб бурчларини адо этганлари ҳам ҳар кимга насиб этавермайдиган улуғ неъмат.

Бугун 100 ёшли сайроблик отахон Жума Қуллиев ҳамда 102 ёшли дарбандлик Шоймардон ота Ҳамроевни танимаган инсон бўлмаса керак. Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларидан омон қайтиб, ўз ҳаёти ва узоқ йиллик меҳнат фаолияти билан ёш авлодга ўрнак бўлиб келаётган аср билан бўйлашган ҳар икки отахонлар нафақат туманимиз, балки республикамизнинг энг кекса сайловчилари қаторида Президент сайловида овоз бердилар. Ҳар икки кекса сайловчиларга уларнинг хонадонларида овоз беришлари учун шароит яратиб берилди.

—102 ёшда сайловда иштирок этишнинг ҳис-ҳаяжонларини англаш учун шу ёшда овоз бериб англаш мумкин, — дейди Шоймардон бобо Ҳамроев. — Амалдаги Президентимиз Шавкат Мирзиёевдан мен каби аср билан юзлашган пиру бадавлат инсонлар мингдан-минг розимиз. Шахсан у киши олиб бораётган доно сиёсат туфайли биз каби кексалар, уруш иштирокчилари, ногиронлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳамиша эътиборда, эъзозда. Шу боис мен амалдаги Президентимиз номзоди учун овоз бердим. Ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини, яхши ва ёмонини кўрган инсон сифатида муҳтарам Президентимиз ўз олдиларига қўйган улуғ мақсадларига эришишларига ишонаман.

Дарҳақиқат, сайлов кунида ўзларининг энг бахтли кунлари — никоҳдан ўтишдан аввал сайловда иштирок этган бахтли жуфтликлар ҳам қайд этилди. Жумладан, Газа маҳалласи ҳудудида жойлашган 11-сайлов участкасида янги оила — Наврўзбек Усмонов ҳамда Жумагул Бойқувватовалар сайловда иштирок этиб, ўзларининг оилавий ҳаётларининг илк кунини Президент сайловида овоз бериш тантанаси билан бошладилар.

—Бугун биз учун икки карра байрам, — дейди сайловда овоз бериб чиққан жуфтлик. — Энг қувончли кунимизни, яъни никоҳдан ўтиш олдидаги бахтли сайримизни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи сайлов участкасига ташрифдан бошладик. Мамлакатимизда ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида дастурлар амалга ошириляпти. Уларни иш ўрни, имтиёзли уй-жой билан таъминлаш давлат даражасидаги вазифа қилиб белгиланган. Биз ҳам ўз ўрнида давлатимизнинг ёшлар сиёсатига оид ҳаракатларини эътироф этган ҳолда бугунги бахтли никоҳ кунимизнинг дастлабки онларини сайловда овоз бериш билан бошладик ва бу эсда қоларли дақиқалар келгусидаги ҳаётимиз пойдевори бўлиб қолишига умид қиламиз.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби туманимизда ҳам сайлов мана шу тарзда — кутилмаган воқеалар, ўзига хос “рекорд”лар ва энг асосийси, барча қатламдаги аҳоли ҳамжиҳатлигида бўлиб ўтди. Бу халқимизнинг, мамлакатимиз эртаси, келажаги учун бефарқ эмасликлари, Янги Ўзбекистоннинг бугунги фуқаролари ўз конституцион бурчларига содиқ эканликларининг ҳаётий тимсолидир.

**Д.ОРИФ.**

## “ОИЛАМИЗ БИЛАН ОВОЗ БЕРДИК”



**Бугун эрталабданоқ Яратганга ҳамду санолар айтиб, яхши ниятлар билан сайлов участкасига келдик. Аввалданоқ овоз бериш учун оилавий чиқишни фикрлашгандик. Аллоҳнинг етказганига шукр, ўзим, аёлим ва икки нафар ўғлим бир вақнинг ўзида овозимизни бердик.**

Мана шундай тинч-осуда ва фаровон мамлакатда яшаш бахти насиб қилгани боис эзгу ниятларимизга етиб, аёлим иккимиз муборак умра сафарларида бўлиб, ҳожилик бахтига мушарраф бўлдик. Дунёнинг турфа жойларида низо-урушлар, нотинчликлар бўлаётганига гувоҳ бўляпмиз. Ўзбекистондек жаннатмакон юртда яшаётганимиз эса барчамиз учун олий бахт ва шахсан ўзим мамлакатимизда халқимиз фаровонлиги, осойишталиги йўлида давлатимиз, Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар, ислоҳотларга бефарқ эмасман. Бугунги сиёсий анжуман — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳам биринчилардан бўлиб келганимизнинг ўзи ана шу эътирофимизнинг бир кўриниши.

Биз сайловолди тарғиботлар жараёнида барча номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишдик ва уларни таҳлил қилган ҳолда эртанги кунда Ўзбекистон равнақи, истиқболи учун энг мақбул дастурни эълон қилган номзодни танлаб овоз беришга келишдик. Ҳозиргина овоз бериб чиқдик, шу боис энди яширмай ўзимиз танлаган муносиб номзодни ҳам ойтсам бўлаверади, шекилли: оиламиз танлови бу — амалдаги Президент Шавкат Миромонович Мирзиёев. Муҳтарам Президентимиз олиб бораётган ислоҳотлар ўз кўлами доирасида давом этиши керак. Миллионлаб ҳамюртларимиз қатори биз ҳам оиламиз билан Шавкат Мирзиёев бошлаган ислоҳотлар кейинги етти йилда мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига кўтариш, жаннатмакон юртимизни ва халқимизни янада тўкин-сочин, фаровон қилишига ишонганимиз учун бугун конституцион ҳуқуқимизни бажариш асносида шундай хулосага келдик.

Яратган Эгам барчамизни ўз паноҳига олган бўлсин, азизлар!

**Чори ҳожи АЛИҚУЛОВ,**
**Косиблар маҳалласи.**

## ЭНДИ МЕН ҲАМ САЙЛОВЧИМАН

**Яқиндагина янги таҳрирдаги Конституциямизни қабул қилдик. Конституциямизда 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга бўлиши кўрсатилган. Бугун мен Бош Қомусимиз менга бераётган ана шу ҳуқуқимдан фойдаланган ҳолда ҳаётимда биринчи марта сайловда иштирок этиш ва овоз бериш учун келдим.**

Мен ўзимни бахтли инсон деб биламан. Чунки менинг мамлакатим — жонажон Ўзбекистонимизда биз каби ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар боис ўз орзуимга эришиб, талабалик бахтига мушарраф бўлдим. Айни пайтда Тошкент Тиббиёт Академиясининг биринчи босқичини муваффақиятли тамомлаш арафасидаман.



Ҳозирча мен давлатимиз менга берган имкониятлар, Конституциямиз берган ҳуқуқлардан фойдаланаяпман, чунки шундай ёшдаман. Насиб қилса, вақти келиб Ватаним учун, халқим учун хизмат қиладиган, яъни бурчимни бажарадиган вақтлар ҳам келади ва мен ўшанда халқим, ота-онам олдидаги бурчимни виждонан адо этишим керак бўлади. Бунинг учун эса бугун фақат ўқишим, билим олишим керак. Қолаверса, бу муҳтарам давлатимиз раҳбарининг биз ёшлар олдига қўйган талаблари ва биз бу талабни ишонч билан бажаримишимиз лозим.

Мен бугунги илк сайловимни ва бу сайлов айнан Президент сайлови бўлгани, мен ҳам шу ёшимда биринчи марта давлатимиз, халқимиз келажаги учун, сайловда овоз берганимни узоқ йиллар эслаб юраман.

**Элшод РАҲМОНОВ,**
**Тошкент Тиббиёт Академиясининг талабаси.**

## ОБСЕ МИССИЯСИ ТАҲРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунлари арафасида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти — ОБСЕнинг доимий кузатувчи экспертлари Гандолгор Сайнхуу ва Винсет Годбилон “Бойсун” газетаси таҳририятида бўлиб, мамлакатимизда кечаётган сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар, сайлов қонунчилиги ҳамда матбуот ва сўз эркинлиги мавзуида газета бош муҳаррири билан учрашув мулоқот ўтказишди.**



Савол-жавоб тарзида кечган очиқ мулоқотда, айниқса, мамлакатимизда кейинги йилларда матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимида демократик ислоҳотлар асосида халқаро андозаларни жорий этилиши ва бунга фуқароларнинг бугунги муносабати борасидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, демократик сайлов эркинлиги мавзуидаги саволлар юзасидан бош муҳаррир Д.Арипов навбатдан ташқари Президентлик сайлови яқинда умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси талаблари асосида ўтказилиши, бунда, энг аввало, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнларида тўлиқ шаффофлик таъминланганлигига алоҳида урғу бериб ўтди. Жумладан, сайловолди тарғиботлар белгиланган қонунчиликка кўра мавжуд сиёсий партиялар томонидан ўтказилаётгани, тарғибот жараёнида улар учун ОАВларда тенг ҳажмда бепул эфир вақти ҳамда босма матбуот учун саҳифалар ажратиш белгиланганлигини таъкидлади. Кузатувчиларга мазкур мавзуда берилган саволларга ҳаётий мисоллар келтириш мақсадида “Бойсун” газетаси саҳифаларида берилган сайловга оид материаллар тақдим қилинди.

Шунингдек, ЕХҲТ вакилларининг матбуот ва сўз эркинлиги мавзуидаги ўзларини қизиқтирган саволларига ҳам бу борада “Бойсун” газетаси мисолида жавоб бериш ва таҳлил қилишга ҳаракат қилинди. Меҳмонлар газетамиз саҳифасида кейинги йилларда бериб борилган танқидий чиқишлар, хусусан, фуқаролар ва жамоатчилик томонидан тақдим этилган танқидий материаллар жамоатчилик ва давлат органлари томонидан қандай қабул қилингани, жумладан, давлат органлари томонидан таҳририят ёки ходимларга босим ўтказилиши ҳолатларига ҳам эътибор қаратдилар. Бош муҳаррир, бу борада фикр билдирар экан, бугунгача “Бойсун” таҳририяти ёки ижодий ходимларга давлат органлари, мансабдор шахслар томонидан таъсир кўрсатиш ҳолати бўлмагани, умуман, бугунги кунда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, журналистлар фаолиятига ноқонуний аралашув, тазйиқ ўтказиш қонун билан тақиқланганига ҳаётий мисоллар билан шарҳ бериб ўтди.

—Газетангиз кичик ҳудудий нашр бўлишига, бу ерда нисбатан кичик ижодий гуруҳ фаолият кўрсатаётганига қарамай, биз сайлов қонунчилиги, сўз ва матбуот эркинлиги мавзуидаги саволларимизга қониқарли жавоб олдик дейишга асосларимиз бор, — дейди миссия аъзоси Гандолгор Сайнхуу. — Газета саҳифасида танқидий материаллар, қонунчилик, инсон ҳуқуқлари мавзуидаги материаллар бериб борилгани, айниқса, жамоатчилик фикри кенг ёритилаётгани диққатимизни тортди. Умуман олганда, ҳар қандай босма матбуотда чоп этилган материалларнинг камида 30 фоизи жамоатчилик фикри асосида тайёрланган бўлса — бу яхши кўрсаткич ҳисобланади. Чунки бу сўз ва матбуот эркинлиги таъминланаётганлигининг асосий кўрсаткичи саналади. Сизда эса, кўриб турганимиздек, бу борада кўрсаткич ҳатто 50 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этяпти. Очиғи, биз буни кутмагандик ва бу биз учун яхши кўрсаткич. Аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Газета дизайни борасида ўйлаб кўришларинг лозим. Шунингдек, газета тиражи ва чоп этиш даврийлиги ҳам бугунги тезкор замонга муносиб эмас. Бу ҳолат аксарият долзарб материалларнинг газета чоп этилгунигача маънан эскиришига олиб келиши мумкин. “Бойсун” бу борада ҳам кўрсаткичларини яхшилайди, деган умиддамиз. Умуман олганда таассуротларимиз ёмон эмас.



Учрашув давомида шунингдек, меҳмонлар халқаро ОАВ тажрибасидан мисоллар келтириб, матбуот ва сўз эркинлиги шаффофлиги борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Учрашув-мулоқот ҳар томонлама очиқ, ўзаро тушуниш, ҳамжиҳатлик ва ўзаро фикр алмашиш асосида ўтди.

**Азамат ҒАФФОРОВ.**

# ЁШЛАРГА МАДАДКОРМИЗ

***Бугунги кунда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш учун олиб борилаётган кенг кўламли ишлар қаторида вақти-вақти билан улар билан учрашувлар ташкил этиш, ўзаро мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказиб туриш жуда муҳимдир.***

Бундай тадбирларда очиқ-ойдин, дилдан суҳбатлашилади, юракдаги дарду ташвишлар юзага чиқади.

Яқинда туман ҳокимлиги йиғилишлар залида ёшлар билан ўтказилган учрашув юқоридаги фикрларимизга далилдир. Туман ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ташаббуси билан мазкур учрашувга “Ёшлар дафтари”га киритилган 79 нафар йигит-қизлар таклиф этилиб, улар билан мароқли суҳбат ўтказилди. Айниқса, ёшлар ўртасида ишбилармонлик муҳитини жорий этиш борасидаги таклифлар йигит-қизларимиз томонидан маъқулланди ва тадбир ниҳоясида “Ёшлар дафтари”га киритилган қизлар ва аёлларимизга тикув машиналари, йигитларга эса электр ускуналари ҳадя этилди. Улар қалбидаги тадбиркорлик мақсадларини рўёбга чиқариш учун бу ускуналар муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Сурайё ГАЗИЕВА,**
**Республика маънавият ва маърифат маркази туман бўлими раҳбари.**

**Акбар НЕЪМАТУЛЛАЕВ,**
**Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бош мутахассиси.**

# НУРОНИЙЛАРНИНГ НИЯТЛАРИ ИЖОБАТ БЎЛДИ

**Президентликка сайлов ўтказиш арафасида “Нуронийлар” масканида барча маҳалла фахрийлари ҳамда Кенгаш аъзолари иштирокида ўтказилган сайловолди тадбирда Хоним Тошбоев, Абдулатиф Норқулов, Хидир Чоршанбиев, Саида Насруллаева, Гулнора Аъзамова, Ҳанифа Салимова, Халил Акрамов, Менглимамат Саманов, Менгли Аҳмедов, Хидир Чоршанбиев, Назокат Жабборова, Зайнаб Зоироваларнинг орзу умидлари рўёбга чиқиб, мана улар ёқлаган муносиб номзод Шавкат Мирзиёев яна Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайланди.**

—Бу биз учун бамисоли бахт қуши, — дейди Абдулатиф ҳожи бобомиз. — Биргина таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни олайлик. Ёшларимиз учун, уларнинг билим олишлари учун қанчалар шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Йигит-қизларимизнинг келажакда бирор касбни эгаллашлари учун барча йўллар очиқ...

—Юртбошимиз билан кўп бора учрашганман, — дейди Хоним ҳожи Тошбоев. — Ҳар бир учрашувдан баҳра оламан. Хусусан, вилоят маркази ҳамда Бойсундаги газ конида бўлган учрашувларда у киши нафақат янги-янги таклиф ва ғоялар, балки уларни ҳақиқатга айлантириш учун етарли маблағ билан ташриф буюришлари ҳаммамизга ёқади. Биз фахрийлар доимо Президентимизнинг ишларини ёқлаб ёшлар тарбияси йўлида камарбаста бўлиб келаётганлигимиздан хурсандмиз.



Сайловолди тадбирларидаги фахрийлар билан бамаслаҳат тузилган режа асосида бугунги кунда туманмиздаги ҳар бир маҳаллада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир ишда нуронийларимиз бизга мададкор.

**Эшдавлат ТОШБОЕВ,**
**“Нуроний” жамғармаси туман бўлими раиси, туман ҳокими маслаҳатчиси.**

# ПАЛАТАГА АЪЗОЛИК УЧУН МУҲИМ ИМТИЁЗ

***2023 йилнинг 23 январида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Савдо-саноат Палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-15-сонли қарори, айтиш жоизки, барча даражадаги тадбиркорлар учун бир қанча қулайлик ва имкониятларни беришни назарда тутган.***

Энг аввало, мазкур қарор асосида савдо-саноат палатасига шу пайтгача амалда бўлмаган ўнга яқин қўшимча муҳим ваколатлар берилгани, айниқса, эътиборга молик. Хусусан, қарор асосида эндиликда савдо-саноат палатаси ҳукуматга ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, бизнеснинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ёки уни чеклаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларни бекор қилиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш; палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб Олий судга ариза бериш ҳамда иқтисодий, маъмурий, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд қарорларини кўриб чиқиш юзасидан шикоят киритиш; тадбиркорликни ривожлантириш, республиканинг иқтисодий салоҳиятини оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган бизнес вакиллари ва бошқа шахсларни мукофотларга тавсия қилиш каби ваколатларга эга бўлгани келгусида тадбиркорликни янада ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим имкониятлар бериши шубҳасиз.

Умуман олганда, мазкур қарорга кўра Палатага аъзо бўлган тадбиркорлик субъектларига 35 турдаги хизматлар кўрсатиш назарда тутилган. Маълумки, шу пайтгача Савдо-саноат палатасининг аъзолик учун тадбиркорлардан, жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлардан базавий ҳисоблашнинг 1,5 баравари, юридик субъектлардан 6 дан 10 бараваригача бадал ундириб келинган. Эндиликда ушбу қарор асосида 2023 йилнинг 1 февралидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари палатага кириш бадалларидан тўлиқ озод этилдилар ҳамда қонунда назарда тутилган аъзолик билан боғлиқ бўлган палата хизматларидан тўлақонли фойдаланиш ҳуқуқларига эга бўлдилар. Фақат Палата томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган қўшимча пуллик хизматлар бундан мустасно. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, қарорга кўра республикамизнинг барча ҳудудларида “Тадбиркорлар хиёбонлари” ташкил этилиб, ушбу хиёбонларда тадбиркорлар, банк вакиллари, инвесторларнинг бизнес лойиҳаларини муҳокама қилиш ҳамда “B2B” тадбирлари ва “Коворкинг” фаолияти учун қулай шароитлар яратилиб, “Wi-Fi” зоналар ташкил этилади.

Таъкидлаш жоизки, Палатанинг Бойсун туман бўлими ўз фаолиятини қабул қилинган мазкур янги қарор асосида мувофиқлаштирган ҳолда ташкил этиб, тадбиркорларга белгиланган тартибда хизмат кўрсатишни амалга оширмоқда. Жумладан, ҳозиргача 480 та тадбиркорлик субъектлари аъзоликка қабул қилинган бўлиб, улар тегишли имтиёзлардан фойдаланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Фурсатдан фойдаланиб, тадбиркорларимизни ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясида муаммолар пайдо бўлмаслиги учун белгиланган тартиблар асосида Палатага аъзо бўлиш ва биз билан ишончли ҳамкорлик қилишга чақирамиз.

**Ҳаким НАВРЎЗОВ,**
**Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси Бойсун туман бўлими тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сектори бошлиғи.**

# МАҚСАД – ЮЗ ФОИЗЛИК ҚАМРОВ

**“Мен ҳамиша халқимга, Президентимга хизмат қиламан”...**

Бу каби юрак нидосини кўп бора эшитганман. Лекин айнан жажжигина аскар кийимида машғулотда қатнашаётган болакайдан эшитиб, жуда таъсирланиб кетдим. Демак, мурғак қалбларда Ватанга, халққа, Президентимизга содиқлик ва садоқатни шакллантираётган эканмиз, биз ўз вазифамизга сидқидилдан ёндашяпмиз, деб баралла айта оламан. Зеро, бизнинг келажак мақсадларимиз ҳам шунга қаратилгандир. Бугунги кунда фарзандларимиз туғилгандаёқ уларнинг келажаги ҳақида қайғуриш барча ота-оналар ва мактабгача таълим муассасалари, мактаб ходимлари ва бутун маҳалланинг вазифасига айланиши керак. Уларга эрта ўқиш-ёзишни ўргатиш, санъат, спорт ва тасвирий санъатга ҳавас уйғотиш кейинчалик мустақил ҳаётлари учун катта омил бўлиб хизмат қилади.

Жуда кўп йиллардан буён мактабгача таълим муассасасида ишлайман. Айни пайтда 2-МТТнинг раҳбари ҳамда туман Кенгаши депутати сифатида келажак авлод тарбияси учун меҳнат қиляпман. Жойларда бўлиб, кейинги пайтда бу соҳа тараққиёти ҳақида батафсил сўз юритаман.

Дарҳақиқат, ҳар даврнинг ўз ўрни бор деганларидек, кейинги етти йилликни мен мактабгача таълим соҳасида янгича ёндашув, фарзандларимиз келажаги учун ғамхўрлик қилиш даври деб таърифлагим келади. Биринчи навбатда, қамров атиги 25 фоизни ташкил этган туманимизда бу кўрсаткич 60 фоиздан ошиб кетганлигини яққол кўриб турибсиз. Агар билсангиз, кейинги олти-етти йил мобайнида мактабгача таълим давлат ташкилотлари шерикчилик асосида ҳамда уй боғчаларнинг сони юздан ошиб кетди. Биргина жорий йилнинг ўтган олти ойида Пасурхи, Сайроб, Кофрун маҳаллаларида барпо этилган мактабгача таълим ташкилотлари албатта Юртбошимизнинг ғамхўрлиги, мактабгача таълимга эътибори ва эътирофидан дарақдир.

Ҳа, келажакни яратиш орзуси давом этмоқда. Шахсан куни-кеча қайта Президентликка сайланган Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурларида яқин фурсатда мактабгача таълим қамровини юз фоизга ошириш кераклиги таъкидлангани бизга янада руҳ бағишлади.

**Сайёра МАЖИДОВА,**
**2-МТТ мудираси, туман Кенгаши депутати.**

# ҚЎШ ЖИНОЯТ УЧУН ЖАЗО

***Энергия манбаларидан самарали фойдаланиш, уларнинг талон-торож қилинишига йўл қўймаслик долзарб масала бўлиб турган бир пайтда Бошработ маҳалласида яшовчи фуқаро Баҳодир Қурбонов (исм-шарифи ўзгартирилди) қилмиши жиноят эканлигини била туриб узоқ муддат электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келаётганди.***

У тармоққа рухсатсиз уланиш ва буни мутахассислардан яшириб юриши ҳеч қачон фош бўлмаслигига қаттиқ ишонган бўлса керак-да. Аммо кўза кунда эмас, кунида синишини унутмаслик керак эди. Натижада туман ТҚХ ТҚХБ тезкор вакили М.Саидов томонидан ўтказилган назорат чоғида Баҳодирбойнинг “сири” очилиб, жиноят устида қўлга тушганини ўзи ҳам билмай қолди.

Қизиқ, Б.Қурбонов шу билан ўз ҳаракатига тўғри баҳо бериб, келтирилган зарарни қопласа олам гулистон эди. Бироқ жиноятга майлдор кўнгли яна бошқа нарсани тусаб қолган чоғи, у бир жиноятини яширишни сўраб иккинчи жиноятга қўл урди. Тезкор вакил М.Саидовга ушбу ишни судга оширмаслик эвазига пора таклиф қилади ва жорий йилнинг 19 апрель кунида мансабдор шахсга 100 АҚШ доллари ҳамда 400 минг сўм пулларни пора тариқасида бераётган вақт жиноят устида қўлга олинади.

Суд жараёнида Б.Қурбонов гарчанд ўзининг қилмишидан пушаймон эканлигини билдирган бўлса-да, жазо тайинлашда унинг ҳаракатлари ғараз ниятда (яъни, давлат мулкини талон-тарож қилиш, шахсий мақсад йўлида ундан ноқонуний фойдаланиш) амалга оширилгани жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этилиб, унга нисбатан икки йил муддатга озодликдан чеклаш жазоси тайинланди. Албатта, Баҳодирбой узоқ муддат электр тармоғига ноқонуний уланиб, яширинча “истеъмол қилган” электр энергияси учун келтирилган зарарни ҳам қоплашга мажбур.

**Ф.ИСМОИЛОВ,**
**туман прокурори катта ёрдамчиси.**
**Қ.АБДУРАҲИМОВ,**
**туман прокуратураси терговчиси.**

# МАҚСАДСИЗ КРЕДИТ ФОЙДАСИЗ

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун шунча ҳаракат қилинаётганлигига қарамай, айримлар ўз манфаатини деб қонунларимизни оёқости қилганлари ҳолда миллион-миллион сўмлаб берилаётган кредит маблағини ямламай ютишдан нарига ўтмаяптилар. Мана, Пойгабоши маҳалласида яшовчи З.Қўлдошевни олинг (исми-фамиляси ўзгартирилган). Олтмиш миллион сўмни бир пасда ямламай ютиб юборди-я. Эсиз тадбиркорлик, эсиз армонли мақсадлар.

Зокир Қўлдошев деганлари нақ товламачининг ўзи чиқиб қолди. Бир пайтда ҳам синглиси Х.Шоимованинг номига ўттиз миллион сўм кредитни Агробанкнинг туман филиали орқали расмийлаштириб олгани етмагандай жияни Норхол Ибодованинг номига олинган кредит маблағни нақдлаштириб, жиғилдонига урди.

Ҳолбуки, бу кредит маблағлари мақсадли фойдаланилганда, ҳунармандчилик йўлида фаолият кўрсатган икки оилани боқиши мумкин эди. Камига кредит маблағлари тўлови муддати тугагунига қадар у таралла бедод қилиб юраверди. Ҳам тўловлардан бош тортди, ҳам бировларнинг номига олинган кредит маблағларини мақсадсиз ўзлаштирди.

Суд барчасига ойдинлик киритди. Унгача зарар қопланган бўлса-да, Зокир Қўлдошев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланиб, унга нисбатан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда бир йилу олти ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

**Санжар ОЗОДОВ,**
**департаментнинг туман бўлими инспектори.**

# СИЗ НАФАҚА ОЛИШГА ҲАҚЛИСИЗ?

**“Айрим сабабларга кўра мен ҳанузгача иш стажига эга эмасман, тартиб-қоидага кўра эркаклар нафақага чиқишлари учун 25 йил, аёллар эса камида 20 йил зарур иш стажига эга бўлишлари керак экан. Мана, мен ҳам яқинда олтмиш ёшга тўламан. Нафақа оламанми, йўқми шу мени қизиқтиради”. Н.Х.**

Давлатимизнинг одил сиёсати сиздек инсонларни келгусида ижтимоий муҳофаза қилиш йўлларини аниқ белгилаб қўйган. Қайсики, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини кафолатлаш доирасида пенсия тайинлаш учун иш стажига эга бўлмаган кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз инсонларга ижтимоий нафақалар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади. Яъни, маълум бир сабабларга кўра ҳеч қаерда ишламаган ёки меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга давлат томонидан пенсиядан фарқли ўлароқ ҳар ойлик тўланадиган нафақалар бериб борилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 23 мартдаги 199-сонли қарори билан эълон қилинган “Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим тоифадаги шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда яққол ўз ифодасини топган.

**Муҳаббат АШУРОВА,**
**бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими бош мутахассиси.**

# СЕМИЗЛИК ХАСТАЛИК КЕЛТИРАДИ

Инсоннинг доимо соғ-саломат юриши учун тана вазни ўзига муносиб тарзда бир хилда бўлиши лозим. Илло, ўта семириб кетиш қандли диабет, юрак-қон томир хасталикларини, шунингдек, нафас олиш, жигар ва суяк-бўғим касалликлари, ўсмалар пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам кунлик овқатланиш тартиб-қоидаларига доимо риоя қилиб боринг. Ҳар куни 400 грамм мева ва сабзавот маҳсулотлари истеъмол қилинса, бу фойдадан холи бўлмайди. Нотўғри ва ҳаддан ташқари тез ва кўп овқатланиш семизликни келтириб чиқариб, соғлиғингизга зарар келтириши мумкин. Шу боис нормал овқатланиш билан бирга жисмоний ҳаракат, чиниқиш ва кўпроқ пиёда юриб, сайр қилиш, югуриш ва сузиш машғулотлари билан шуғуллансангиз узоқ умр кўрасиз.

**Тўхта ДАВЛАТОВА,**
**туман тиббиёт бирлашмаси АСТТҚҚ ва ЖФО бўлинмаси врачи.**

# ЗАҲРИ-ҚОТИЛ “ФАСТ-ФУД”ЛАР

## ФАРЗАНДИНГИЗНИ УЛАРДАН АСРАШГА КЕЧИКМАНГ

Кейинги пайтда таркибида турли қўшимчалар бўлган қуруқ фаст-фуд таомлар — “сухарик”, “картошка фри”, “чипси” ва шунга ўхшаш рекламаси авж олган озуқалар кундан-кун болаларнинг севимли эрмагига айланиб бормоқда. Ҳатто, бу каби қуруқ таомларни баъзи ота-оналар болажонларнинг хархашасидан қутулишнинг энг яхши воситаси сифатида ҳам қабул қилишга улгуришган. Гарчанд эндиликда, баъзи-баъзида тиббиёт ходимлари ва экологлар томонидан ушбу хўракларнинг инсон (айниқса, ёш болалар) организмига ножўя таъсири, ҳатто оғир оқибатлари хусусида фикр билдира бошлаган бўлсалар-да, кенг жамоатчилик, биринчи галда ота-оналар ранг-баранг жилодаги ўрамаларда болажонларни оҳанрабодек ўзига тортаётган ушбу заҳри-қотил “эрмак”ларнинг эртанги оқибатини ҳозирча ҳатто тасаввур ҳам қилмаяптилар.

Аллақачон рўйи-заминда глобал муаммога айланиб улгурган ҳолда биз катталарни ҳануз ҳушёр торттирмаган ушбу муаммонинг ҳақиқий кўламини украиналик оддий мактаб ўқувчилари аниқ лаборатор синовлари асосида исботлай олдилар.

Оддий мактаб шароитидаги лабораторияда биология ўқитувчиси раҳбарлигида ўқувчилар томонидан ўтказилган ўзига хос тажриба натижалари ҳақиқатан ҳам ҳайратомуз ва айни пайтда ушбу синов тажрибасининг дастлабки хулосалари дунё олимлари ва экологлари томонидан ҳам жиддий таҳлил қилинмоқда.

Ўқувчилар тажриба учун каламушлардан фойдаландилар. Улар бир неча каламушларни икки қисмга бўлиб, уларнинг биринчи қисмини бир ой давомида сизу биз болажонларимизга ҳавас билан олиб бераётган, рекламаларда таъкидланганидек, “ҳаётимиз мазмуни”га айланган “чипс”, “сухарик”, “картошка фри” каби хўраклар билан озиқлантирдилар. Синовдаги иккинчи бўлак жониворлар эса ўша ўқувчиларнинг ҳовлисида ўстирилган табиий маҳсулотлар — карам, картошка, сабзи, буғдой каби экологик тоза сабзавотлар билан озиқлантирилди. Синовнинг йигирманчи кунига бориб фаст-фут хўраклар истеъмол қилган каламушларнинг кўриш қобилиятлари пасайиб, кучли вазн йўқотиш, ошқозон-ичак ва жигарнинг кучли шикастланиши ҳолатлари пайдо бўлади ва синов якунида уларнинг аксарияти нобуд бўлишади.

—Бу нарсани кўриш биз учун жуда оғир эди, — дейди ўқувчилардан бири фаст-фуд хўраклар туфайли оғир аҳволга тушган жониворлар ҳақида гапириб. — Аммо биз синовнинг энг сўнгги натижаларини билишимиз учун ҳам чидашга мажбур бўлдик. Тўғри, бу жониворлар қийналишди, баъзилари ҳатто нобуд бўлишди ҳам. Бироқ дўконларда қалашиб, реклама роликларидан тушмай келаётган ўша таомларни укаларимиз, тенгдошларимиз ҳам жуда кўп истеъмол қилаётганлари ва унинг оқибати эртага қандай бўлиши, уларнинг соғлигига қай даражада салбий таъсир қилишини билишимиз керак эдиқ

Очиғи, мактаб ўқувчилари ўтказган кичик бир тажриба натижаси малакали мутахассислар, шифокорлар тасаввур қилганидан ҳам ачинарли, даҳшатли ва таҳликали бўлиб чиқди. Заҳарли фаст-фуд таомлар истеъмол қилиб аянчли аҳволга тушиб қолган каламушларнинг барчасида жигар ириши ва деярли тиклаб бўлмайдиган ҳолга тушганлигини аниқлаганди улар. Аксинча, табиий маҳсулот — сабзавотлар билан озиқлантирилган жониворлар ҳар жиҳатдан соғлом ва бақувват эканлиги қайд этилган. Бундай ҳол бутун ҳаёти давомида фақат денгиз ўтлари каби экологик тоза маҳсулотлар билан озиқланувчи денгиз чўчқасида ҳам қайд этилган.

Тўғри, баъзи бир табиат шайдолари синов натижасида жониворларни қийнаш, уларга зарар етказилганлиги ҳақида бонг уришиб, мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларига нисбатан норозилик ҳам билдиришди. Бироқ гап инсон саломатлиги, айниқса, биринчи навбатда эндиликда заҳри-қотиллиги аниқ бўлган бу каби зарарли фаст-фуд хўракларнинг асосий истеъмолчилари бегуноҳ болалар эканлиги эътиборга олиниб, мактаб ўқувчиларининг фавқулотда кашфиётлари деярли барча жамоатчилик томонидан бугунгача кенг қўллаб-қувватланмоқда. Эътиборли жиҳати шуки, ўтказилган кичик тажрибадан сўнг ушбу мактаб ўқувчилари орасида инсон организми учун зарарли бўлган маҳсулотларни истеъмол қилиш батамом барҳам топган ва бу ҳол мамлакатнинг деярли барча ўқув масканларида одатий урфга айланиб бораётир.

Интернет тармоқлари орқали бутун дунёда шов-шувга сабаб бўлган мазкур кичик тажриба сизу биз учун болаларимиз тақдирини ўйлаб ҳам ибрат бўлиши лозим. Инсоният турфа глобал экологик муаммолар, турли табиий бўҳронлар олдида ночор қолаётган ва бу экологик катаклизмлар жабридан азият чекишлари йилдан-йил ортиб бораётган бир шароитда ақлий равишда болажонларимизнинг ҳавасини ўйлаб уларни зарарли маҳсулотлар билан заҳарлашимиз барчамиз учун тузатиб бўлмас оқибатлар олиб келиши ҳақида жиддий ўйлаб кўриш вақти келди, деб ўйлайман.

Албатта, ёш болалар дўкон пештахталарида минг турфа товланиб турган елим идишлар ичидаги “ширинлик”лар аслида заҳри-заққум эканлигини англаб етишга қодир эмас. Уларга тушунтириш, англатиш, аслида нима яхши-ю нима ёмонлигини ҳаётий мисоллар асосида тўғри маслаҳат бериш сиз ота-оналар, катталар зиммасидаги масъулият. Зотан, фарзандларнинг ҳар жиҳатдан соғлом, бақувват ўсиб вояга етиши ота-оналар учун қанчалик муҳим бўлса, мамлакат таянчи, келажаги, эртанги кунимиз учун ҳам шунчалик зарур ва масъулиятли иш. Шундай экан оилада болаларни соғлом овқатлантириш маданиятга эришиш, уларни фақат экологик тоза маҳсулотлар билан парваришлаш барчамизнинг бурчимиз эканлигини унутмайлик.

**Нодира ЖЎРАҚУЛОВА.**
**Интернет материалларидан фойдаланилди.**

## “Заковат”нинг асосий қуроли китобга айланиши керак”

# ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРУВЧИЛАР ЎЙИНИ

### ЭНДИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУСОБАҚАЛАР ХОНАДОНЛАРГА ҲАМ КИРИБ БОРАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 январдаги “Заковат” интеллектуал ўйинларини аҳоли орасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва шу каби интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-96-сонли қарори мамлакатимизнинг барча ҳудудларида заковатчилар ҳаракатини кенг ёйиш, унга нафақат ёшлар, балки кенг қатламдаги аҳолини жалб қилиш учун катта имкониятлар яратмоқда.***

Эътиборли жиҳати, кейинги йилларда туманимизда ҳам “Заковат” интеллектуал ўйинига бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Агар бундан уч-тўрт йил муқаддам бизнинг гуруҳларимиз ҳаракати уюшмаган ҳолда фақат туман миқёсида чекланиб қолган бўлса, бугунги кунда туманимизнинг асосий жамоаси вилоятдаги пешқадам жамоа сифатида эътироф этилиб, деярли барча мусобақаларда ғолиблар сафида бормоқда.

Бир қарашда шунчаки беш-ўн кишидан таркиб топган жамоаларнинг таваккалга йўналтирилган баҳсига ўхшаб кетувчи бу ўйин аслида катта тайёргарлик, сабр-бардош, билим ва иқтидор ҳамда кенг дунёқарашни талаб қилади. Содда қилиб айтганда, “Заковат”нинг асосий қуроли китобга айланиши керак. Шу маънода “Заковат” энг аввало ёшлар орасида китобхонлик маданиятини шакллантиришда энг муҳим восита дейиш ҳам мумкин. Кузатувлар ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, “Заковат” оламига кириб келган ҳар қандай инсон ўз-ўзидан кераксиз, бузғунчи ва умрни беҳуда ўтказишга мойил бўлган турмуш тарзидан узоқлашади. Мақсад фақат дунёни ўрганиш, изланиш, барча соҳаларда маҳоратни ошира боришдан иборат бўлади. Муҳими, изланиш, билим олиш фақат бир-икки йўналиш ёки фақат ўз мутахассислиги чегарасида эмас, балки деярли барча йўналишларни қамраб олади. Зотан, “Заковат” столи атрофидан жой олган ҳар қандай иштирокчи кутилмаган ҳар қандай соҳа ва йўналишларга оид нозик саволларга жавоб топишга ҳамиша тайёр туриши керак бўлади.

2022 йилда туманимизда “Заковат” клуби расман ташкил этилгач, мазкур клуб аъзоларининг саъй-ҳаракати билан тумандаги мактаб, коллеж, ҳунар мактаблари ва ташкилотлар қошида ҳам “Заковат” тўгаракларини ташкил этишга аҳамият қаратилди. Натижада қисқа муддатларда 4-, 5-, 6-, 13-, 35-умумтаълим мактабларда мунтазам фаолият юритувчи заковатчилар жамоаси ташкил этилди. Ҳатто 2-касб-ҳунар мактаби, 35-, 6-умумтаълим мактабларининг устозлар ва ўқувчилари ҳисобидан ташкил этилган “Басанд” жамоаси вилоят ва республика даражасидаги босқичларда иштирок этиб, туманимиз шарафини ҳимоя қилиб қайтишди. Профессионал жамоалар мусобақаларида ҳам бойсунликлар пешқадам жамоалар сафида. Заковатчиларимизнинг кейинги бир йил давомида кетма-кет қўлга киритаётган ютуқлари ҳатто вилоят “Заковат” координатори С.Одилов томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди. Бойсун “Заковат” клуби фаолиятининг қисқа муддатларда бу қадар юксалиши ва турли даражадаги мусобақалар жараёнида эътирофларга сазовор бўлишида Асадбек Тўраев, Асрор Шойимқулов каби жонкуяр билимдонларнинг хизматлари алоҳида кўзга ташланмоқда.



Клубимиз аъзолари вилоятда биринчилардан бўлиб “Заковат ҚУИЗ” интеллектуал ўйинларини ҳам бошлаб беришди. Заковатчилар янги йўналишдаги ушбу ўйиннинг илк сонини куни-кеча “Ёшлар боғи”да ташкил этиб, муваффақиятли ўтказишга эришдилар.

Шу ўринда “Заковат ҚУИЗ”га қисқа шарҳ бериб ўтмоқчиман. “Заковат”нинг ушбу йўналиши кенг жамоатчилик — оммага мўлжалланган бўлиб, унда истак билдирган барча қатламдаги ва ёшдаги кишилар ихтиёрий тарзда иштирок этишлари мумкин. Хусусан, оилавий жамоалар, гузар ва маҳаллалар, ташкилотлар, касбдошлар, синфдошлар... Хуллас, эслатиб ўтганимдек чегара йўқ. Саволлар эса профессионал клубларга бериладиган саволларга нисбатан “юмшоқроқ” бўлади, албатта. Лекин, барибир ўйлашга, мушоҳада қилишга ундайдиган саволлар бўлади. Чунки “Заковат” ўз номи билан интеллектуал, яъни ақл-заковатга, билимга асосланган ўйин. “Заковат”нинг ушбу йўналишини оммалаштиришдан мақсад эса Президентимизнинг юқорида эслатиб ўтилган қарорларнинг ижроси асосида интеллектуал ўйинларни аҳолининг барча қатлами орасига олиб кириш, оммалаштириш, барча даражадаги кишиларнинг интеллектуал салоҳиятларини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтиришдан иборат. “Заковат ҚУИЗ” ўйинининг илк сонида 15 та жамоанинг иштирок этгани ва улар орасида оилавий жамоаларнинг ҳам борлиги бу борада мақсадни тўғри танлаганимизни кўрсатиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, туманимиздаги барча ота-оналар, устозлар ва ёшларга мурожаат қилмоқчиман: “Заковат” ва “Заковат ҚУИЗ” интеллектуал ўйинлари сизнинг бўш вақтингиз мазмунли ўтишини таъминлаши қаторида, оилангиз, меҳнат жамоангиз аъзоларининг ақлий салоҳияти, дунёқарашини юксалтиришда энг қулай ва қизиқарли маънавий-маърифий воситадир. Биз билан ҳамкор бўлинг. Биз билан ҳамкорлик қилиб, билимлар оламига саёҳат қилиш имкониятига эга бўлганингиздан ҳеч қачон ачинмайсиз.

**Шуҳрат САФАРОВ,**
**“Заковат”клубининг Бойсун тумани бўйича координатори.**

---

# ДАР ДОМАНИ ЛОЛАЗОРИ ЁР АФТОД

## (Сўгнома)

**Хабари марги нависандаи хушном Саттор Турсун барқосо паҳн гашта, маро низ аз Тирмиз зуд ба Душанбе расонд.**

Аз барои видоъ бо Нависандаи халқии Тоҷикистон устод Саттор Турсун дар назди даромадгоҳи бинои истиқоматии ӯ адибони номвари Тоҷикистон Гулрухсор Сафиева, Абдулҳамид Самадов, Ато Мирхоҷа, Равшани Махсумзод, Толиб Луқмон ва даҳҳо тани дигар, инчунин таборони баоқибат, мухлисони насри оламгири вай гирдиҳам омада буданд. Ҳама сарафканда ва дар қайди ғаму андӯҳи гаронанд. Ҳар ҷо дар соядави дарахтон давра кашида, байни худ аз воқеоти рӯзгори марбут ба марҳум гуфтаву мешуниданд. Ба гӯшам расид, ки шоираи маҳбуб Гулрухсор бо надомат мегуфт:

—Ҳамсафони ман як-як аз даҳони адабиёт чун дандоне меафтанд. Сад дареғ!

***

Ман ба манзили адиб сар халондам. Хонаи ӯ хеле хоксорона буд, маълум аст, ки соҳибхонаро ҷуз ғами ғановати адабиёт андӯхтани молу сарват кӯйи худ набурдааст...

Дар назди ҷисми берӯҳ адиб, ки дар рӯи хона гузоштаанд ва атрофаш додаронаш бо дидагони пурнам менишастанд, оҳиста зону задам. Вай дар рӯи як ҷуфт кӯрпачаи пахталаганда хоб аст — ором, беҳаракат ва тану ҷон ба хоҳиши қазову қадар таслим намуда! Сукути вазнинро гиряву нолаи занон халадор мекунад, ки гоҳе паст, гоҳе авҷ карда, аз хонаҳои шафат дар гӯшҳо менишаст.

Болои ҷисми берӯҳи устод бо матои сафеде пӯшида шуда, дар пешу бараш кадом гиёҳи хушнакҳатеро чида буданд — шояд нозбӯй буд, он ё пудинаи кӯҳӣ, яқинан аз зодгоҳаш расондаанд... Чун докаро аз сару рӯяш оҳиста бардоштам, ҳамон симои ҷиддии адиб, вале айни ҳол меҳрубони вай падид омад, ки замоне айнан дар ҳамин хона дида будам.

—Шумо барин қаламкашон ба мисли гиёҳҳои худрӯи кӯҳиед. Дар токчаву камарҳо ба таври худ руста, шукӯҳи кӯҳистони азим меафзоед. Аммо барои чидаву дар хидмати адабиёт қарор додан гиёҳшинос мебояд буд. Гиёҳшиносон пас аз сари Айниву Турсунзода дар байни мо қариб намондаанд, — гуфта буд ӯ ва як зарра дар чеҳрааш сояи ғам фаромад.

Дар бозгашт, аз мани адиби пир як каф дуо гуфта, ба сари китфам даст монду рост ба умқи чашмонам нигариста ва пас аз чанд сухани гарм дастамро самимӣ фишурд. Ҳоло ҳар гоҳ қалам ба даст мегирам, ҳамон ҳарфҳои соҳир ба гӯшам менишинанд, ҳамон фишорро дар ангуштонам ҳис мекунам, ки ноаён ба ман нерӯ мебахшанд.

***

Адиби мо ҳоло на парвои одам дорад ва на парвои олам!

Амонати худ таслим намуда, аз барои ҳисобу китоб ба сӯи Парвардигори худ шитофта буд. Як табассуми ба асрор низ дар лабони ӯ шах шудаанд. Ин табассумро адиб шояд ба рӯи марг андохта буд. Каме тирафом аст рӯи нависанда, кавири сӯхтаи лабташнаеро мемонад, ки дар оғози фасли гармо ҳама чашмаҳояш ногузир хушк шуда ва асари ҳаёт надоштанд.

Чашмонаш — дидагони солҳои охир нурбохтааш пӯшида! Ин ҳамон чашмон буданд, ки нури худро зарра-зарра дар ҳар сатр, дар сари ҳар вожаи китобҳои мондагори нависанда бохта, ба ҷилои онҳо афзудаву худ дар поёни умри соҳибашон бефурӯғ гашта буданд. Вақте адиб дар ҳаёт буд, аз паси айнаки шишакалон он чашмони барроқ ба атроф мӯйшикофона менигаристанд, ба ҷустани ҳақиқати ҳаёт, пастиву баландиҳо, фарқи сиёҳу сафедҳо машғул буданд ва ба як нигоҳ мефаҳмиданд, ки дар дили ҳассоси ҳаммеҳанон чӣ андешае нуҳуфтааст. Як марди қавиҳайкали гандумгуне буд, Саттор Турсун, ки ҳоло хеле лоғар шудаву дар ҷисми пӯсту устухонаш асари ҳаёт ба мушоҳида намерасид. Танҳо бинии тоҷиконааш — бале, маҳз ҳамин биннии баланд ва зебо! — ногузир хаёли маро дуздида, ба ёди зодгоҳи нависанда — деҳаи Пасурхии ноҳияи Бойсун меандозад.

Дар назари ман чунин метофт, Худованд бо азамати беқиёси худ дар рӯи ин адиби номдори тоҷикон, ки акнун аз ҳама дарду ғамҳо ва қайдҳои ҳаёт мураккаб вораста буд, зодбуми худи ӯ — Пасурхии боғҳояш дар айни ҳол ғарқи меваро бо нақшҳои хоное ҳаккокӣ карда аст. Пасурхӣ — ин деҳаи бошандагони мардумони наҷиб дар қади як рӯдхонаи начандон бузург маъво дорад, ки баҳорон серобу хурӯшон ва боқии фаслҳо хеле камоб буда, як пири фартутро дар зеҳнҳо бедор месозад ва дар забони мардуми маҳаллӣ бо номи рӯди Оҳангарон маъруф аст. Ин деҳа дар паси талҳои сурх ҷой гирифта ва аз ин хотир Пасурхиаш хондаанд. Ҳаёти мардумонаш чун зиндагии боқии бошандагони деҳоти атроф, ба монанди Бибиширин, Кӯшкак, Авлод, Сариосиё, Лофгаҳ, Шаҳидон... гоҳ ба шодӣ, гоҳе ба ғам тавъам идома мекунад. Устод Саттор Турсун дар домани ҳамиин талҳои оғӯш ба оғӯши сурх, дар оилаи як тан аз бошандагони обрӯманди деҳаи Пасурхии ноҳияи Бойсун Турсун Шукур 15 феврали соли 1946 ба дунё омадааст. Мактаби миёна рақами 5-и зодгоҳашро, ки он вақт



ба номи Максим Горкий буд ва бачаҳои чандин деҳаҳои музофот онҷо таҳсил мекарданд, соли 1962 хатм намудааст. Адиби минбаъд номдори мо захми хору сангҳои кӯчаҳои деҳ, талу теппаҳои атрофи он дар кафи пойҳо... аз ин кӯҳпора ба шаҳри азими Душанбе омадаву инҷо мақом ёфт, ин ҷо шӯҳрат пайдо кард. Вай ба бахши арабии факултети шарқшуносии Донишгоҳи Давлатии Тоҷикистон дохил шуд. Нахустин ҳикояи ӯ “Шабе дар роҳ” ном дорад, ки рӯзномаи овозадори “Тоҷикистони советӣ” соли 1967 чоп кардааст. Пас аз дастрас кардани ҳаққи қалам аз ин идора, ки аз стипендияи ӯ дар Донишгоҳ зиёдтар будааст, қаламкаши ҷавон “асири қаламу қоғаз” мегардад ва то замоне, ки чашмонаш медиданд, хома рондаву асарҳои пурмағзе таълиф менамояд... Вай баъдан барҳақ таъкид карда буд: “Асирии ҷодаи адабиёт асирии якумрист”.

Китоби “Бо дил гарм” (соли 1971) нахустин қадами ӯ дар домани сабзи адабиёт буд, ки хуб пазирой шуд. Минбаъд асарҳои дигари ӯ бо номҳои “Зиндагӣ дар паси талҳои сурх”, “Сукути қуллаҳо”, “Барф ҳам мегузарад”, “Камони Рустам”, “Санг дар бағал ба тӯфон” ва романи овозадори “Се рӯзи як баҳор” яке пайи дигаре рӯйи нашрро дида, ба адиб шӯҳрати беандоза оварданд. Таърихи таълиф ва нашри китобҳои ӯ низ печидагиҳо дошта, мисли ҳаёти мураккаби инсоният гаҳе ҳамвор, гаҳе пасту баланд сурат гирифтаанд — ҳасудон ҳар замон дар роҳи вай ғавчӯб шуда, гаҳу ногаҳ пешипоиҳо низ додаанд. Аммо вай ин ҳамаро бо қавиҷонӣ таҳаммул карда, мунтазам ба сӯи қуллаи мақсуд ҳаракат кардааст.

***

Хаёлам ба дуриҳо рафта, боз ба рӯйи адиби дӯстдоштаи худ хира мешавам!

Дар андоми тирафоми нависанда биннии баланду теғадораш ба монанди як арчаи бисёрумри кӯҳистон тани танҳо дар сари шахе рост меистод. “Вай дар кафи пурқуввати ин шахи баланд солҳои дароз умр дида, боре ҳам ба чунин ҳол наафтодааст. На аз шӯълаи барқ меҳаросид, на аз гулдуроси раъд меларзид, — гӯё дурахши барқро намедид, садои раъдро намешунид. (“Умри дарози арча”)” Гӯё ин дарахти пир бо вуҷуди худ аз он баландӣ бо як шаҳомати ба худ хос ба гузаштаи дуру ниҳоят ифтихорманде таъкид мекард. Ҳамин узви тани адиб инчунин як теғаи кӯҳи баландро ба хотир меовард, ки аз пошнаи он ғолибан талҳои пасту баланди аксарашон сурх, обраҳаву обкандаҳои яке жарфтару дигаре саҳл нозук (ожангҳо...) оғоз шуда, рӯ ба шеб — ба вусъати заминҳои обии саросар сабз ба лалмии кӯҳистон лучаку бегиёҳ мепайвастанд. Ҳамон девори барқади кӯҳи Фарҳод, ки нависанда дар асарҳои худ ҷой-ҷой ба тасвир кашидааст (қиссаи “Обёрӣ, ё худ кавкабони кабуд”) ва деҳкадаи Пасурхӣ ҳам ғолибан дар пошнаи ҳамин кӯҳи азим воқеъ афтода, аз ҷонибе дар иҳотаи талҳоисурх мондааст, шабеҳи биннии баланду бовиқори адиб аст, ки бо як дидан зодгоҳи ӯро дар зеҳнҳо таҳрик медиҳад.

Ҳоло ин пири хирадмандро қисмати он мӯйсафедон қаҳрамонҳои ҳикоёти намакини худи ӯ насиб гашта буд, ки ҳар кадоми онҳоро дар дами марг хеле боварибахш тасвир карда буд. Саттор Турсун — ин нависандаи беназир дар аксари асарҳои худ симои мӯйсафедонро басо барҷаста ба қалами тасвир кашидааст. Дар тасвири ӯ дунёи пирони рӯзгордида аҷаб табиӣ ва хеле хонданӣ ба анҷом расидааст. Нависанда ахлоқи иҷтимоии ҳаёти ҷомеаро аз ҳар паҳлӯ таҳқиқ кардаву басо муассир ба қалам додааст. Ҳикояҳои “Қазо”, “Душманон”, “Падар” ва “Ситораи карвонкуш” аз ҳамин шумор буда, дар онҳо рӯзгори печида ва дунёи мураккаби пиронсолон хеле табиӣ тасвир гаштааст. Саттор Турсун дар интихоби вожаҳо басо усто буда, ҳар як калима дар устохонаи зеҳни ӯ коркард ёфта, ба гунаи дигар ҷилва медиҳанд, басо марғуб мешаванд. Вай ба забони асари бадеӣ диққати беандоза медод, “аз забони ланҷи асар”-комилан парҳез мекард, гӯё дар сари ҳар вожа, тасвири наву тару тоза бас ҷонбозиҳо мекард. Ин аст, ки асарҳои эҷодкардаи ӯ дар дили хонанда маъво ёфта, вайро водор мекунад, ки такрор ба такрор онҳоро ба даст гирад. “Забони асари бадеӣ набояд ланҷ, мағшуш, носуфта ва ҳатто миёнаҳол бошад. Зеро ба чунин лафзу лаҳҷа як амри беҳуда аст кашф намудани олами ботинии инсон, баён доштани кори ақлу фаросати вазъи хавоси хамса, умуман возеҳ ба таҳқиқ гирифтани ниҳонхонаҳои дилу ҷони одамизод” — навиштааст ӯ.

Саттор Турсун бешак як тан аз фидоиҳои адабиёт буд, ки умри гаронмояи худро сарфи ғановати он сохт. Нишоти ҳаёти худро ба пешрафти адабиёти тоҷик иваз намуд, рисолати шахси адибро дар пеши миллат софдилона ва бо виҷдони пок иҷро кард. Вай аз камназир нависандагони тоҷик аст, ки қаламиҳои мондагораш ба зиёда аз 30 забони рӯи олам нашр гардида, кунун ба аҳли дунё миллати сарбаланди моро муаррифӣ мекунанд. Вай пайваста таъкид мекард, ки обрӯи ҳар миллатро насри барҷастаи он машҳури дунё мекунад ва ояндаи адабиёт ғолибан дар дасти наср аст. Устод Саттор Турсун адибони ҷавонро таҳрик медод, ки дар навишти асарҳои пурмағз иқдом кунанд ва ин бори вазнинро ба ҳар наҳвае набошад, то манзили мурод расонанд.

***

“Ҳар боре ки додарам ба Душанбе маро хабаргирӣ меомад, дар оинаи чашмонаш пора-пора нақши талу теппаҳои зодгоҳамро меовард”. — Навиштааст Саттор Турсун дар “Фонуси хаёл” ном китоби худ.

Ҳоло дар атрофи ҷисми берӯҳи ӯ додарони ӯ нишастаанд. Самеъ, Солеҳ... Онҳо бешак дар оинаи чашмони худ нақши талу теппаҳои зодгоҳи адибро овардаанд. Аммо сад дареғ, ки нависандаи маҳбуби дилҳо ҳоло нақшу нақлҳоро аз қисмати ин талҳои сурх, тангкӯчаҳои хокиву каҷу килеби он, чеҳраҳои шиносу гарми ҳамдеҳагон, боғзорони ғарқи мева, шуввоси якнавохти оби рудхонаи Оҳангарон на медид, на мешунид! Ин орзуро абадан бо худ бурда буд.

Саттор Турсунро қисмати қаҳрамони романи “Се рӯзи як баҳор”-аш Усмон Азизи диловар гашта буд. Усмон Азиз дар тасвири адиб пас аз нокомиҳо тир хӯрда, “Ва аз хонаи гарми зин канда шуда, оҳиста ба замин, рӯи майсаву лолахасакҳои саросар шукуфон...” ғалтида буд. Адиб низ дар лаҳзаҳои вопасини умр дар мағзи сина тири аҷал дар домани лолазори ҳамболини худ — Лолаи шоирбону як даст дар кафи ёр ва як даст дар кисабағал — он ҷо сурати ҷигарбандонаш маҳфуз буд, — бо сари баланд, аммо каме бо дили кашол ба сӯи Холиқи худ рафт, бебозгашт рафт!

**Ба гӯшам навҳаи Лола менишинад:**
**Ёрам рафта хона мазор аст, аламо,**
**Ҷонам зи ғамаш сахт фигор аст, аламо.**
**Сард аст ҷаҳон чун қаҳваи кунҷаки миз,**
**Шаҳри дили ман чу шоми тор аст, аламо.**

***

Адибро дар оромгоҳи Лучоби Душанбе ба хок супориданд. Додари ӯ — Мулло Солеҳ ҷисми вайро дар лаҳад гузошт ва “Ором бихоб, акаҷон. То дидор дар қиёмат!” — гуфту ашкрезон берун омад. Дар як дам чашми гуруснаи гӯрро хок пур кард ва “як кӯза зар” дар синаи хоки нам пинҳон шуд.

Лучоб. Ин ҷо маъвои охирати даҳҳо тан аз аҳли сухан аст, ки устод Саттор Турсун дар тӯли умри 77-солаи худ бо аксари онҳо ҳамкор ва аз наздик шинос буд, ё ҳадди ақал пайвандии равонӣ дошт. Мирзо Турсунзода, Фотеҳ Ниёзӣ, Фазлиддин Муҳаммадиев, Лоиқ Шералӣ, Бозор Собир... ҳама ҳаммаслакони ӯ буданд, ки рисолати худро иҷро намудаву сар ба хоки тар гузоштаанд. Акнун ба ҷамъияти адибони хомӯш пайваста, сӯҳбат, баҳсҳои гарми онҳо идома хоҳад кард, танҳо бесадо, бидуни шарру шӯре! Ин ҷо баҳси унвонҳо намеравад, ин ҷо ҳарфи ман бою ту бебизоат нест, ин ҷо гапи ман зӯру ту камзӯр беаранг аст, ин ҷо ҳама баробар ва дар ғами ҳисобу китоб бо Холиқи якто ҳастанд“

—Илоҳо, шаби нахустин марҳумро осон, маъвои охираташро чароғон гардонӣ! — дар пайи ин дуо ҳама даст ба рӯ мекашем ва устодро дар баландии Лучоб бо “ҳаёти нав” тани танҳо гузоштаву бо дили реш қафо мегардем. Шоири ҷавон ва умедбахши мо Толиби Луқмон оҳиста ҳиҷо мекунад:

***Бо шукӯҳу виқори зебанда***
***Ҳар гаҳ аз кӯчаҳо гузар мекард,***
***Файласуфона роҳ гаштанҳош***
***Бар муҳиту фазо асар мекард.***

***Буд дар ӯ фарри Улуғзода,***
***Бо таанниву тоқати тамкин,***
***Порае аз нубуғи Икромӣ,***
***Партаве аз фурӯғи Фазлиддин.***

***Зоҳиран гарчӣ кӯҳпайкар буд,***
***Андар ин кӯҳ рӯди нолон дошт.***
***Ҳалқа-ҳалқа чу дуди сигораш***
***Оҳи бар авҷи чарх печон дошт...***

**Шариф ХАЛИЛ,**
**узви Иттифоқи нависандагони Тоҷикистон.**

---

## МАРСИЯ

***Ба хотири неки нависандаи халқии Тоҷикистон Саттор Турсун***

**Ёдгори Айниву ин кӯҳсорон зинда бод!**
**Шеъри Турсунзодаву ин обшорон зинда бод!**
**Аз Лоиқ.**

**Достону қиссаҳои Саттори Турсун**
**То ҷаҳон бодо сафи ин номдорон зинда бод!**

**Бар дидаи халқ ҷо гирифтӣ аз лутфи калом,**
**Ҳар каломат чун ливои тоҷдорон зинда бод!**

**Машъале шуд номи ту дар олами аҳли сухан,**
**Одам аз он, олам аз он нурборон зинда бод!**

**“Барф ҳам мегузарад”, ояд “Се рӯзи як баҳор”.**
**В-аз “Камони Рустам”-аст умедворон зинда бод!**

**“Санг дар бағал ба тӯфон” бар “Сукути қуллаҳо”**
**Каф ба дуо, илтиҷои “Мӯйсафедон” зинда бод!**

**Баски дорам “Зиндагӣ дар домани талҳои сурх”**
**Бӯи модар, субҳи Ховар, шеърборон зинда бод!**

**Мӯқалами Шолмону мӯсафеди боғбон,**
**Бар забонат лафзи поки росткорон зинда бод!**

**Раҳматуллоҳ НАСРИДДИН.**

# ШОИРЛИК УНГА ҚИСМАТ ЭДИ...

**Назм олами чексиз хилқат. Бу хилқат ичида инжулар тергувчи шоирлар эса мана шу чексиз оламнинг султонларидир.**



Бошқаларни билмадим, аммо шеър мен учун ҳақиқий мўъжиза. Балки бу касбу ҳолим туфайлидир. Зотан, қўшиқ санъати нима эканлигини теран англай олган ҳар бир инсон, инчунин, ҳофиз учун яхши шеърнинг қадри алоҳида қимматга эга.

Яхши шеърни эса ҳар ким ёзавермайди...

Одатда санъаткор ижросидаги яхши қўшиққа мусиқа бастакорлиги маҳоратига қараб баҳо беришади. Аммо умрбоқий қўшиқлар дунёга келишида бастакорлик санъати маҳорати билан тенгма-тенг мукаммал даражадаги яхши шеър ҳам керак бўлади. Зеро маза-матрасиз шеърий асар учун ҳар қандай юксак даражада куй басталанмасин, оҳанг қуруқ ўтинга тўн кийғазилгандек гап.

*Мен бир оҳу боласи эдим,*
*Хуш кўрардим тоғлар сайлини.*
*Изларимни соғиниб келдим,*
*Ёнингизда қолсам майлими...*

*Кенгликларга туташ ҳар байтим,*
*Гоҳ айланар тепамда зоғлар.*
*Мағрурликни сиздан ўргандим,*
*Бошин эгмай улғайган тоғлар.*

Бу ўтли сатрлар марҳум ҳамюрт шоир Исроил Шомир қаламига мансуб. Ярим асрдирки саҳнадаман. Буюк классик ҳофизларимиз талқинидаги ўлмас қўшиқларни куйлаб келиш қаторида фаолиятим давомида бир қанча қўшиқлар ҳам яратдим. Ҳамиша яхши қўшиқ бўлишга арзигулик яхши назмий асарлар изладим. Бироқ, шундоқ ёнимда бақамти ижод қилган, ижод қилганда ҳам мен йиллаб излаган шеърлар битган шоир ижодидан бебаҳра ўтган эканман. Негалигини билмайман. Балки Исроилдаги хокисорлик, тортинчоқлик туфайлидир бу?..

Мен излаган, мен истаган шеърни эса, кунларнинг бирида шоирнинг ўзи қўлимга тутқазди. “Ҳофиз, қўшиқларингиз мухлисиман. Балки мана шу шеърга ҳам куй басталаб кўрарсиз. Биламан, ҳар қандай шеър оҳангга тушмайди. Мабодо ушбу шеър ҳам шу қисматга учраса, яхшиси, қўшиқ қилманг. Шеър туфайли ёмон қўшиқ яратишингизни истамайман...”

Аммо шеър ўз оҳанги, мусиқаси билан яралган эди. Бир ўқишдаёқ буни ҳис қилдим. Мен ўша табиий оҳангга шунчаки сайқал бердим, холос. Қўшиқчилик санъати оламида камдан-кам бўладиган ҳол бу. Усмон Азим шеърлари бунга мисол. Усмон ака ҳеч қачон қўшиқ учун деб шеър ижод қилмаган. Аммо шоирнинг ўзи билмаган ҳолда баъзи нарсалари ўз оҳанги билан яралган эди. Усмон Азим шеърлари асосида яратилган қўшиқларнинг фавқулотда оммалашгани ва замонавий ўзбек қўшиқчилик санъатининг дурдонасига айланганининг сири ҳам шунда.

...Шоир ўз қўли билан тақдим қилган шеър яхшигина қўшиққа айланди. Тақдирни қарангки, бу қўшиқ шоирнинг 60 йиллиги юбилейида ижро этилди. Исроил туғилиб ўсган Пулҳоким қишлоғидаги ўзи ўқиган мактабда ҳамда ота уйидаги тадбир базмида қўшиқ қайта-қайта эшитилди. Очиғини айтганда ўша тадбир баҳона мен Исроил Шомировни ҳақиқий шоир сифатида ўзимча кашф этдим. Ўзбекистон Халқ шоири Усмон Азим, таниқли адиб Олим Тошбоев, шоир Шодмонқул Салом, Шуҳрат Ориф, Абдумажид Азимовларнинг Исроил ҳақида айтган дил сўзлари, таърифларини эшитиб мен туғилган юрт — жаннатмакон Бойсун элидан мана шундай яна бир улуғ шоир етишиб чиққанлигидан фахрландим.

—Шоир, бугун қайта-қайта ижро этилган бу қўшиқда менинг ҳиссам жуда кам, — дея шеърнинг мукаммаллигига ишора қилдим ўша кунги гурунгда. — Сиз аслида қўшиқни яратиб бўлган экансиз. Унинг оҳанги, мусиқаси сиз битган гўзал мисраларда, унинг вазнида яширин экан. Мен ўша яширин оҳангни мисраларга сингдирдим, холос...

—Балки шундайдир, аммо ҳақиқий мусиқа, жойига тушган оҳанг яхши қўшиқ тимсолида шеър умрини узайтиришини биламан. Сиз эса ҳофиз, менинг мисраларим умрини узайтирдингиз, билмаганлар, эшитмаганларга маҳорат билан етказдингиз. Ҳофиз дегани шундай бўлиши керак, аслида, — дея майин жилмайиб қўйди.

Ўшанда мен бу мароқли суҳбат, бу мароқли жилмайиш мен асарлари ичига теран кириб бораётган, яна бир дилтортар суҳбатдош, кўнгилдош инсон, том маънодаги ижодкор-шоир Исроил Шомир билан сўнгги учрашувлардан бири эканлигини билмасдим...

Афсуски, оғир дард шоирни айни ижоди барқ урган паллада орамиздан олиб кетди. Ундан эса, яхши шоирларда бўлгани каби фақат яхши асарлар, ўлмас мисралар қолди.

Шоир вафотидан сўнг унинг хонадонида айтилган ўша қўшиқни ёлғиз қайта-қайта ўқиб, унинг ижод боғига хаёлан сайр қилдим. Кўнглимнинг тубида эса “бу қўшиқ шоир билан ҳамкорлигимизнинг сўнггиси эмас”, деган нидо келади, мудом. Гарчанд унинг ўзи бўлмаса-да, асарлари ҳаёт. Ва, улар орасида мен излаган, мен истаган қўшиқ бўладиган, ўз оҳанги, мусиқаси билан яралган шеърлар жуда бисёр. Зеро, шоирлик Исроилнинг қисмати эди. Ўша қисмат энди ундан қолган асарлари тимсолида яна давом этишига шубҳа қилмайман.

**Умид ТУРОБОВ,**
**22-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа ўқитувчиси.**

# МЕҲНАТНИНГ РОҲАТИ ЎЗГАЧА

**Аввалги шаҳар автобекати майдони бир чеккасидаги дўкон ёнида қўлларига оқ ва қизил олмаларни ушлаганча харидорларни чорлаётган ёш йигитнинг ҳаракатлари эътиборимизни тортди: “—ўзимизда етиштирилган тоғ олмаси “голден”, “крепсон”дан тортиб, қирмизи-ю, “симеренка”гача, олсангиз армонда қолмайсиз, ўзингизга фойда”.**





Бу воқеа баҳорда содир бўлган эди. Бугунга келиб гарчи дўконча бу йилги олма ҳосили билан тўлиб-тошган бўлса-да, ўтган йилдан қолган “симеренка” ҳали-ҳамон сотувда. Бу ёғи қовун-тарвуз, сабзавот маҳсулотлари, меваларни сотиб оламан деганлар кўп. Биз учун эътиборли томони ўтган йил кузда пишиб етилган “симеренка” олмаларини бугунги кунгача етказиб келган Обиджоннинг саъй-ҳаракати...

У Хўжайидод маҳалласининг Кўрғонча қишлоғидаги. Ўсмирлик йиллари Бошработ маҳалласида яқин қариндоши Ҳикмат Шарипов барпо этган боғда иш юритувчи бўлиб ишлаган, боғ-токзорчилик ҳадисини ўша пайтда олганди. Кейинчалик, молия-иқтисод бўйича олийгоҳда таҳсил олиб келаётган бўлишига қарамай, ҳамон унинг қалби боғдорчилик билан боғланган эди. Қараса, тоғ маҳалласидаги тўрт гектарлик ёнабет партов ҳолда турибди. Одам чиқиши қийин бўлган жойда аввалига отаси Одил ака билан беш юз туп, сўнг яна минг туп олма ниҳолларини ўтқазганлигига ҳам уч-тўрт йилдан ошди. Ана шу олма ниҳолларининг айримлари бу йил ҳосилга кириб, унда олмаларини ўзлари сотиш фикри туғилди. Мана, аввалги автшоҳбекатнинг ичида Обиджоннинг дўкони куну тун ишлаб турибди.

—Худо бераман деса бераркан, — дейди тадбиркор йигит. — Бу йил роса омадимиз келди. Олма ҳосилидан саксон-юз миллион сўм даромад кўрдик. Меҳнат қилсанг баракасини бераркан. Тоғам Ҳикмат Шариповнинг маслаҳатига кириб кам бўлмадим. Ҳам мутахассисман, ҳам тадбиркор. Насиб этса, келгуси баҳорда олма ниҳоллари сонини яна минг тупга кўпайтирмоқчиман. Юраманми, Россия, Қозоғистон деб, ҳаммаси иштиёқ, ҳафсалага боғлиқ. Шу ерда ишлаб, икки баравар кўп даромад олиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Обиджон Холиёровнинг сўзларига қулоқ тутиб, бу йигитнинг дадил сўзи, шижоатли меҳнати ва мақсадларини англарканман, фаолияти оёққа тураётган ёш тадбиркорга омад тилаб қолдим.

**Парда НАЗАРОВ.**

# ARDASHER G`OLIBLAR SAFIDA

Mamlakatimiz yoshlari uchun ular o`z iqtidorlarini namoyon etish, bilim olish, kasb o`rganishlarida yaratilayotgan shart-sharoitlar bugun barcha sohalarda o`z natijalarini ko`rsatmoqda. Xususan, bolajonlarimizning o`z bilim mahoratlarini oshirish barobarida xalqaro musobaqalar, intellektual tanlovlarda yuksak ko`rsatkichlarga erishayotgani fikrimiz tasdig`idir.

Ardasher Jabborov endigina yetti yoshni qarshilagan. Ammo shu yoshda ham qobiliyati nimalarga qodirligini ko`rsatmoqda. U “Barkamol ablod” bolalar maktabining mental arifmetika to`garagining faol a`zosi. Ustozi Maftuna To`lqinova rahbarligida bugun bolajonlarning intellektual qobiliyatini o`stirishda juda muhim bo`lgan ushbu zamonaviy ta`lim usulining o`ziga xos sir-asrorlarini mukammal o`rganishga harakat qilyapti. Uning bu sohada tuman, viloyat miqyosida o`tkazilayotgan musobaqalarda birin-ketin yaxshi ko`rsatkichlarga erishayotgani bunga misol bo`la oladi.

Yaqinda esa Ardasher ilk marotaba o`zining dastlabki xalqaro musobaqasini o`tkazib qaytdi. Va, kutilganidek juda muvaffaqiyatli tarzda. Turkiyaning Antaliya shahrida bo`lib o`tgan “WAMAS — 2023” mental arifmetika bo`yicha olimpiadada dunyoning 20 ta davlatidan tashrif buyurgan 1500 nafar iqtidorli o`quvchilar o`zaro bellashdilar. Musobaqa yakuniga ko`ra esa boysunlik jajji o`g`lon 7 yoshli ishtirokchilar orasida faxrli 2-o`rinni olib, mamlakatimiz sharafini munosib himoya qildi.



—Ilk xalqaro musobaqada mana shunday yuqori natijaga erishganim menga kelgusida ustozlarimdan yanada yaxshiroq bilim olish va bundan-da yuqoriroq darajadagi musobaqalarda ishtirok etib, O`zbekistonimiz sharafini munosib himoya qilish uchun motivatsiya beradi, - deydi Ardasher.

Shuningdek, u xalqaro musobaqada qo`lga kiritgan natija uchun barcha ustozlaridan minnatdor ekanligini alohida ta`kidlab, ularga o`zining minnatdorchiligini ham izhor etishni unutmadi.

**Marjona TEMIROVA, Qarshi davlat universiteti o`zbek filologiyasi fakulteti talabasi.**

# ҲАЖГА БОРМАЙ КЎПРИК ҚУРДИ

Нақадар бағрикенг халқмиз. Бир пайтлар авлодлик Муҳаммадризвон Насимов, деҳибололик Зиннат Мирзоқуловалар ҳажга бориш учун йиғиб-терган маблағини одамлар учун хизмат қиладиган кўприк қурилиши учун сарфлаганлигини эшитган бўлсангиз керак. Мана уларнинг сафига омонхоналик Раҳмат Эшбоев ҳам қўшилди.



Азалдан уста-косибчилик билан машғул бу юртдошимиз анча йилдан буён муқаддас ҳаж зиёратига боришни дилига тугиб юрарди. Кейинроқ ўйлаб қараса, ўзи истиқомат қилаётган “Камари азиз” кўчасига ўтиб борадиган йўлни боғловчи кўприк йўқлигидан ҳамқишлоқлари азият чекмоқда. Қишин-ёзин сойликка эниб, кўтарилишнинг ўзи бир азоб. Шуларни ўйлаб эзгу мақсадлар йўлида иш бошлади. Унинг ташаббусини туман ҳокими ҳам қўллаб-қувватлаб, кўприк учун темир-бетон ускуналари етказиб берди. Қарабсизки, тезда хайрли иш ниҳоясига етиб, сойликнинг икки қирғоғини боғловчи мустаҳкам кўприк барпо этилди. Йигирма хонадондан иборат нариги гузар одамлари ҳожатбарор Раҳмат Эшбоевдан жуда хурсанд. Зеро, қабристонларни обод этиш, чўлда боғ яратиш, кўприк, йўл қуриш ҳаж сафари билан тенгдир.

**Юнус ХОЛИЁРОВ,**
**туман ҳокимилиги ахборот хизмати раҳбари.**

## КОФРУН ЯНГИЛИКЛАРИ

# ЯКДИЛЛИК

**Кўлқамиши бор, Бойчиборнинг туёғи етган ва яна тилсимли тортишиш кучига эга қияликлари мавжуд мўъжизавий замин яна қайда бор? Фақат бизнинг Кофрунда!**

Биз фаолият кўрсатаётган мактабимизда ташкил этилган сайлов участкасида ҳам Президентликка сайловлар маҳалладошларимизнинг бирдамлигида бўлиб ўтди. Рўйхатга олинган ва сайловда иштирок этган сайловчиларимизнинг 92 фоизи амалдаги Президентимиз номзодини ёқлаб овоз бердилар. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Чунки биз кофрунликлар ўзимизни энг бахтли, иқболли инсонлар сифатида биламиз. Сабаби, айнан Кофрун узра барпо этилаётган гигант газ-кимё корхонасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш учун ўтган йил шахсан Юртбошимизнинг ўзлари ташриф буюрганлари кўҳна замин қаъридаги хазинани жиловлаётганлар меҳнати билан танишганликлари сабабми, мана, улкан корхона қурилишининг биринчи навбати ниҳоясига етиб боряпти. Бу Юртбошимизнинг қутлуғ қадами эмасми?

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ШОДОН

***Маҳалламизда замонавий мактабгача таълим кошонаси барпо этилиб, мана икки йилдирки, Чори Дўсанов мудирлик қилаётган кичкинтойлар масканида 90 нафар жажжи болажонларимиз тарбияланмоқда.***

Ушбу таълим-тарбия масканида қамров кундан-кун ортиб бораётган бўлса-да, шахсан Президентимизнинг саъй-ҳаракати, таклифлари билан ҳар бир жойда қамровни энг юқори даражага етказиш учун яна қўшимча болалар кошоналари барпо этишга тўғри келяпти.

Шу боис, маҳалламизда 100 ўринли қурилиши тугалланмаган мактабгача таълим кошонасини бунёд этиш ишларини охирига етказишни тадбиркор Алишер Тошпўлатов ўз зиммасига олган эди. Мазкур бунёдкорлик иши икки ойда амалга оширишга эришилди. Куни-кеча бўлиб ўтган тақдимот тантаналарида сўзга чиққан нуронийларимизнинг дил сўзлари ва миннатдорчилик туйғулари эса айнан тадбиркорга қаратилди. Шубҳасиз, бу билан яна Кофруннинг юзлаб жажжи ўғил-қизлари бошланғич таълим ва тарбияга эга бўладилар.

# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

Бу мавзуни ўтган ўқув йилида мактабимизни аъло баҳоларга тугатиб, мустақил ҳаётга учирма бўлган 47 нафар йигит-қизларимизнинг барчаси касб эгаллаш учун олийгоҳларга ҳужжат топширганликлари хабари билан бошламоқчиман. Шубҳасиз улар бундан олдин шу билим даргоҳини битириб, туман, вилоят, республика миқёсида фаолият кўрсатаётган минглаб кофрунликлар иш анъанасини давом эттириш ишқи билан ёнмоқда. Биз ўқитувчилар улардан кўнглимиз тўқ, фахрланиб юришимиз ҳам шундан.

Бир вақтнинг ўзида гарчи ўқитувчилар ёзги таътилда бўлишларига қарамай, янги ўқув йили учун тайёргарлик режаларини ҳозирданоқ тузиб қўйганлар. Билим даргоҳида жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етгач, синф хоналарини жиҳозлаш, айниқса, ёшларнинг беш муҳим ташаббус билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароит яратиш устида изланмоқдалар.

**Зоир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**Акмал ХЎЖАМШУКУРОВ,**
**Алишер ХОЛТЎРАЕВ,**
**32-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчилари.**

# НАҚИБХОН ТУҒРАЛ

*Муҳаммад Нақибхон Туғрал Аҳрори XIX аср охири ва XX асрнинг аввалида яшаб ижод қилган машҳур форс-тожик шоири бўлиб, Тожикистоннинг Суғд вилояти Фалғар (ҳозирги Айний) туманида дунёга келган. У дастлабки билимни отаси ва акаларидан олган. Кейинчалик илм излаб Самарқандга келган Нақибхон Тиллакори мадрасасида қолиб, таҳсилни давом эттиради.*

*Маърифатпарвар шоир бир неча тилларни, жумладан, рус тилини ҳам яхши билгани боис бир муддат рус армиясида таржимонлик ҳам қилган.*

*Унинг ижодидан яхши хабардор замондошлари, жумладан машҳур адиб Садриддин Айний Нақибхонни “Бедил йўлида ижод қила олган шоир” дея таърифлаган.*

*Нақибхон ўзини Хожа Аҳрори Вали авлодидан эканлигини айтиб, бир шеърида бунга ишора қилган.*

*Мерасад аслам ба Аҳрори Валӣ,*
*Дуди ман бошад аз ин дудмон.*

*Шоирнинг ўзбек китобхонлари орасида ҳам мухлислари борлигини эътиборга олиб, унинг шеърларидан бир-икки намуна таржима қилишга уриниб кўрдик.*

**Келдию бир олдима ноздин у жавлон айлади,**
**Хотиримни зулфи каби ул парешон айлади.**
**Ғамим кўнглимда жўш урди, кўз ёшим дарё бўлиб,**
**Кўнглим қасри бунёд эди, уни вайрон айлади.**
**Чаманда кўрдим бир кун ноздин уни жилвагар,**
**Ёқа ушлатиб мени лолу ҳайрон айлади.**
**Имоним пок эди пайғамбари ҳуснига аммо,**
**Зулфининг куфр келиб торожи имон айлади.**
**Кеча оқшом лаъли Бадахшон деб таъриф этдилар ҳуснини,**
**Писанд этмай бир кулиб азми Бадахшон айлади.**
**Юзидан чиммат олиб рухсорини бир кўрсатди,**
**Тоқату сабру қарорим олиб сомон айлади.**
**Жонимни тандан чиқарди ярим караши билан,**
**Мушкулим қаттиқ эди жуда осон айлади.**
**Чаманда жилва айлаб гули рухсори билан,**
**Бу шўрида булбулни боғда калон айлади.**
**Туғрало хуш ҳолким, Бедил тилидан сўзлайин:**
**“Кўнгил уйини йўл бошида, буткул вайрон айлади”.**

**Оразин авроқидин хат-саводи намоён бўлди,**
**Баротин маъносидин мўр Сулаймонга меҳмон бўлди.**
**Ҳайратомўз нигоҳи шўхликни бисот айлаб,**
**Оҳу кўзи кимсани ўзга тортиб, ҳаданг нози мижгон бўлди.**
**Рухсори баҳористон, тамошосин қандай айтай?**
**Ким, жамолин акс этиб, мингта ойна ҳайрон бўлди?**
**Сўз борарди: —гулшанда икки зулфин хиром чоғи,**
**Не сабабдин кўрингким, сунбул хотири парешон бўлди?**
**Келгил,эй кўнгил ушшоғи маликам қаср ҳажридин,**
**Кўз ёшим селобидин Каъба биноси вайрон бўлди!**
**Вадаю, эй бевафо ҳаргиз айламайсан ўз аҳдингга,**
**Ёдингдан чиқди гўё, не ул аҳду паймон бўлди?**
**Гесўларингдин то зуннор боғлади белига Туғрал,**
**Вой унинг ҳолигаким, имон ундан жудо бўлди.**

**Форс тилидан Исматулло Ёқубов таржимаси.**

# TABRIKLAYMIZ!

“Boysun” gazetasining eng faol mushtariysi, umidli yosh shoira, Mirzo Ulug`bek nomidagi O`zbekiston Milliy universiteti o`zbek filologiyasi fakultetining iqtidorli talabasi, hamyurtimiz Shirinmoh To`rayeva Erkin Vohidov nomidagi stipendiya sovrindori bo`ldi.

“Boysun” gazetasi tahririyati ijodkorlari nomidan yosh shoira qizimizni ushbu muvaffaqiyat bilan tabriklab, o`qish va ijodiga omad tilab qolamiz.

**“BOYSUN” GAZETASI JAMOASI.**

**Bo`g`zimga tiqildi xavotir,**
**Jonimni nimtalab og`riqlar**
**Boshimda ming bitta xayollar**
**Xo`rsiniqlar allalayotir.**

**Tong. Uyg`ondim ko`zlarimda nam,**
**Ruhimda o`rmalab yurar qo`rquvlar.**
**Kulgular atrofda aylanib**
**Mazaxlab o`ynaydi hangma-hang.**

**Tegram bugun olovga tutash,**
**Sensiz bilsang gar azobga tutash,**
**Nurab bormoqda ko`ksimdagi tog`**
**Hilviraydi sochlarim daryoga tutash.**

**Kishanband tuyg`ular yonma-yon**
**Tinch qo`ying dard to`la qalbimni.**
**Iltimos, keting ko`nglimda isyon,**
**Ichimga yutay xavotirimni.**

**Shirinmoh TO`RAYEVA.**

BOYSUN

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR
Davron ORIPOV

NAVBATCHI:
Azamat G`AFFOROV.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Indeks: 64622
Bahosi kelishilgan narxda.
ISSN 2181-7073

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17 00
Topshirildi - 16 00
Adadi : 2320
Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas`ul

ⓣ - tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.
Qo`lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi.
«BOYSUN» gazetasidan materiallarni ko`chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o`zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:
190401, Boysun, Zartepa ko`chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
e-mail: boysun@umail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta “Surxon tongi”va “Zarya Surxana” gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil:Termiz shahri Shukrona ko`chasi 19-A uy.